

**Ҳ.М.АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.10.2020.GM/125.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГЕОДЕЗИЯ ВА ЕРНИ
БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
МАРКАЗИ**

САЛИХОВ ФАРИД САЛОХИДДИНОВИЧ

**ШИМОЛИЙ ПОМИРНИНГ КЕЧКИ ПАЛЕОЗОЙ ВА ЭРТА МЕЗОЗОЙ
ВУЛКАНОГЕН-ЧЎКИНДИ ҲОСИЛАЛАРИНИНГ
ЛИТО- ВА МАЪДАН ГЕНЕЗИСИ**

04.00.01 – Умумий ва минтақавий геология

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ
бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)

Салихов Фарид Салохиддинович

Шимолий Помирнинг кечки палеозой ва эрта мезозой вулканоген-чўкинди
ҳосилаларининг лито- ва маъдан генезиси3

Салихов Фарид Салохиддинович

Позднепалеозойский и раннемезозойский вулканогенно-осадочный
лито и рудогенез Северного Памира.....27

Salikhov Farid Salokhiddinovich

Late paleozoic and early mesozoic volcanogenic-sedimentary
litho- and ore genesis of Northern Pamirs.....51

Эълон килинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....55

**Ҳ.М.АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.10.2020.GM/125.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГЕОДЕЗИЯ ВА ЕРНИ
БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
МАРКАЗИ**

САЛИХОВ ФАРИД САЛОХИДДИНОВИЧ

**ШИМОЛИЙ ПОМИРНИНГ КЕЧКИ ПАЛЕОЗОЙ ВА ЭРТА МЕЗОЗОЙ
ВУЛКАНОГЕН-ЧЎКИНДИ ҲОСИЛАЛАРИНИНГ
ЛИТО- ВА МАЪДАН ГЕНЕЗИСИ**

04.00.01 – Умумий ва минтақавий геология

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ
бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2024

Докторлик диссертацияси Тожикистон Республикаси геодезия ва ерни бошқариш давлат кўмитасининг илмий-тадқиқот марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ingeo.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Сайдов Мирю Сухбатulloевич
геология-минералогия фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Миркамалов Рустам Хамзаевич
геология-минералогия фанлари доктори

Шоймуратов Туйчи Халикулович
геология-минералогия фанлари доктори

Пирназаров Мажид Махкамович
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Мирю Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация химояси Ҳ.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти ҳузуридаги DSc.24/30.10.2020.GM.125.01 Илмий кенгашнинг 2024 йил «29» март соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64г-уй, Тел: (99871) 209-11-32 (5505); E-XAT: ingeo@exat.uz, e-mail: ingeo@ingeo.uz)

Диссертация билан Ҳ.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (17 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй. Тел: (99871) 209-11-32 (5505).

Диссертация автореферати 2024 йил «15» март куни тарқатилди.

(2024 йил «15» мартдаги 17 рақамли реестр баённомаси)



Х.Д.Ишбаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д., профессор

Э.М.Амиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.д.

П.С.Султонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида сўнги йилларда асл ва рангли метали конларни башоратлаш, тоғ жинслари ва маъдан ҳосил бўлишининг илмий асосларини ишлаб чиқиш мақсадида алоҳида йирик минтақалардаги вулканоген-чўкинди ҳосилаларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ривожланган мамлакатларда бу каби ҳосилаларнинг моддий таркиби, геологик жойлашиш шароитлари ва қонуниятларини аниқлашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар натижалари уларнинг фойдали қазилма конларини (мис, цеолитлар ва бошқалар) ҳосил бўлишидаги ролини ҳамда қидирув-разведкасининг илмий асосларини яратишда муҳим ахборот манбаси бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда олиб борилаётган илмий тадқиқотларда литологик, минералогик, стратиграфик, структуравий омилларни аниқлаш ҳамда уларни амалиётга жорий қилишга бўлган жиддий эътибор геология-қидирув ишлари самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, минерал-хом ашё базасини ривожлантиришга қаратилган бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, замонавий юқори аниқликдаги аналитик ва техник воситалардан фойдаланиб, геология-қидирув ишлари суратини ошириш, мураккаб майдонлардаги маъданлашувга истиқболли янги вазиятларни асослаш, қаттиқ фойдали қазилмалар заҳираларини ошириш, қазиб олишни таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Тожикистон ҳудудида палеозой-мезозой чегарасидаги геодинамик режим ва чўкинди тўпланиш ҳамда вулканизм эволюцияси масалаларини минтақавий нуқтаи назардан ва Тетис (Шимолӣ Помир унинг бир қисми) палеогеографик минтақасини назарий жиҳатдан ўрганиш бўйича муайян тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан минтақада мис тўпланишнинг вулканоген-чўкинди концепцияси, ягона назар остида мис билан қизил рангли формацияларнинг эмпирик боғликлиги аниқланди. Тожикистон Республикасини Президентининг 2022-2026 йилларни “Саноатни ривожлантириш йиллари”¹ деб эълон қилиши доирасида бир қатор вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, геодинамик режим ва чўкинди тўпланиш ҳамда вулканизмнинг эволюцияси, уларнинг маъданлашув билан алоқаси масалаларининг ечилиши янги натижалар олиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Тожикистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 6 январидagi 309-сон фармонида 2022-2026 йилларини “Саноатни ривожлантириш йиллари” эълон қилиши, Тожикистон Республикаси Ҳукуматининг 2011 йилнинг 3 декабридаги 599-сон қарорида “Тожикистон Республикаси геология соҳасини ривожлантириш давлат программасини тасдиқлаш” ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда

¹Тожикистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 6-январидagi 2022-2026 йилларини “Саноатни ривожлантириш йиллари” эълон қилиш учун №309 фармони

тутилган вазифаларни бажарилишида ушбу диссертация иши натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Тожикистон Республикаси фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларга мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот Тожикистон Республикаси “Ер ҳақидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва фойдали қазилмаларни қайта ишлаш)” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи²

Вулканоген-чўкинди мажмуаси ва у билан боғлиқ фойдали қазилма конларини ҳосил бўлишига йўналтирилган илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, жумладан: Chinese Academy of Geological Sciences (ХХР), University of Utah (АҚШ), Lancaster University (Буюк Британия), Université Rennes (Франция), Potsdam University (Германия), Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Россия), Карпинский номидаги ВСЕГЕИ (Россия), РФА Геология институти (Россия), РФА Геология институти Сибир бўлими (Россия), РФА Геология и геохимия институти Урал бўлими (Россия), Минерал ресурслар институти (Ўзбекистон), Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ҳ.М.Абдуллаев номидаги Геологии ва геофизика институти (Ўзбекистон) ва б. томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Вулканоген-чўкинди ётқизикларини ўрганиш натижасида ётқизикларнинг формацион мансублиги бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар юзасидан қатор илмий натижалар олинган, жумладан: Шимолий Помирнинг тектоник хариталари тузилган (NERC Isotope Geosciences Laboratory, BGS Keyworth, Nottingham, UK; РФА ГИН, Россия; ВСЕГЕИ, Россия; Ломоносов номидаги МДУ, Россия), ҳудуднинг кечки палеозой ва мезо-кайнозой чўкинди ҳавзаларининг ривожланиши билан боғлиқ номаъдан фойдали қазилма конлари аниқланган (ВСЕГЕИ, ГИН, МДУ, Россия), ётқизикларнинг мисдорлиги аниқланган (РФА Геология институти Сибир бўлими, Новосибирск, Россия), мавжуд эпиптермал конларнинг шаклланиш назариялари ва концепциялари, башоратлаш ва қидириш мезонлари ишлаб чиқилган (CERCAMS, Буюк Британия; ИГЕМ, Россия), вулканоген жараёнлар кузатилган ҳудудларда олтин, мис минераллашувини излаш белгилари ва мезонлари аниқланган (ГГИ, МРИ, ИТМ, Ўзбекистон), Тиён-Шон орогеник камарида элементларнинг геохимёвий зоналлиги аниқланган, геологик ва геохимёвий моделлари яратилган (МРИ, Ўзбекистон).

Жаҳонда вулканоген-чўкинди мажмуалари ва улар билан боғлиқ фойдали қазилма конларини ҳосил бўлиши бўйича қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, ҳосилаларда мис тўпланишнинг вулканоген-чўкинди концепциясини ишлаб чиқиш, мис билан кизил рангли формацияларнинг эмпирик боғлиқлигини асослаш, вулканизм

² Диссертация мавзусига оид шарҳ қуйидаги хорижий манбалар асосида ишлаб чиқилган: https://english.cas.cn/newsroom/research_news/earth/; <https://agupubs.onlinelibrary.wiley.com/>; <http://earthpapers.net>; <http://www.ngtp.ru>; <http://www.geokniga.org/books>; www.elibrary.ru

жараёнларининг маъдан ҳосил бўлишидаги ролини аниқлаш, вулканоген-чўкиндиларнинг геохимёвий ва минералогик хусусиятларини очиб бериш, чўкиндилар билан боғлиқ фойдали қазилмаларнинг тўпланиш шароитларини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу соҳа ҳақидаги геологик ғояларнинг ривожланиши таҳлили билан батафсил тарихий обзор 1:200 000 миқёсдаги давлат геологик хизмати натижаларига асосланган тадқиқотларда ва ўтган асрнинг иккинчи ярмидаги турли мавзувий ишлар натижаларида келтирилган. Шимолий Помирнинг перм-триас ётқизикларининг тузилиши ва таркиби ҳақидаги асосий маълумотлар В.И.Попов, Г.А.Дуткевич, А.В.Хабаров, М.А.Калмикова, А.Д.Миклухо-Маклай, Н.Г.Власов, И.В.Пижнянов, А.Х.Кафарский, Е.Я.Левен, В.Ю.Дмитриев, С.Ф.Шербович, В.И.Давидов, В.С.Лучников, Ҳ.С.Тажиддинов, В.И.Лаврусевич ва бошқаларнинг илмий ишларида келтирилган. Чуқур ёриқлар билан ажратилган Помирнинг зонал ёйсимон шаклидаги тузилишини И.Е.Губин, В.И.Попов, В.И.Дронов, С.К.Овчинников, Н.Г.Власов, В.И.Троицкий каби тадқиқотчиларнинг фундаментал ишлари натижаларида келтирилган. Ўрта Осиё худудидаги ёриқлар бўйлаб ҳаракатлари, қобик ва мантия зилзилалари ўчоқлари ҳақидаги маълумотлар ва бошқалар бўйича ишлаб чиқилган назария В.С.Буртман томонидан таклиф қилинган.

Қўшни худудларнинг (Афғонистон, Хитой) бир хил ёшдаги ҳосилаларни Н.А.Беляевский, А.Х.Кафарский, Абдулла ишларида ҳамда Афғонистон худудини геологик ўрганиш материалларида келирилган бўлса-да, у батафсил асосланмаган. Палеозой-мезозой чегарасидаги геодинамик режим ва чўкинди тўпланиш ҳамда вулканизм эволюцияси масалалари минтақавий нуқтаи назардан ва Тетис (Шимолий Помир унинг бир қисми) бутун палеогеографик минтақаси умуман олганда, Тожикистонда ва хусусан Помир худудида катта стратиграфик давр оралиғида вулканоген-чўкинди ҳосилалар деярли ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари биан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тожикистон Фанлар Академияси геология институти ва Тожикистон Республикаси ер тузилиши ва геодезия бўйича давлат кўмитаси илмий-тадқиқот маркази илмий тадқиқот ишлари режасининг: “Шимолий Помирнинг Дарвоз-Олойорти зонаси перм-триас вулканоген-чўкинди мажмуасининг мисдорлиги” (1981-1985), “Шимолий Помирнинг кечки палеозой ва эрта мезозой вулканоген-чўкинди мажмуаси” (1986-1990), “Шимолий Помирнинг Дарвоз-Олойорти зонаси перм-триас таянч кесмаси (Чаримдара-Гундара-Мионаду)” (1990-1991), “Тожикистон Республикаси геодинамик полигони” (2010-2014) ва “Марказий Тожикистон, Помир ва унинг атрофидаги худудлар тектоникаси ва геоморфологияси” (2015-2020) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Шимолий Помир перм - триас мажмуасининг вулканоген-чўкинди ётқизикларида лито- ва маъдан генезисини илмий жиҳатдан асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чўкиндиларнинг моддий таркиби ва палеонтологик хусусиятлари, зонанинг бошқа кесмалари билан ўзаро боғлиқлиги тўғрисида кенг кўламли маълумотларни ўз ичига олган перм-триас кесмасининг қатламларини литологик тавсифлаш;

чўкиндиларнинг ҳосил бўлиш шароитларини ва чўкинди ҳосил бўлиш босқичларини аниқлаш;

вулканизм жараёнларининг характери ва вулканоген маҳсулотларнинг хусусиятларини очиқ бериш;

кўриб чиқиладиган давр оралиғи учун чўкиндиларнинг геокимёвий ва минерагеник хусусиятларини аниқлаш;

миснинг генезиси, фашиал-палеогеографик шароитлари ва стратиформ намоёнларини қидириш омилларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Шимолий Помирнинг геотектоник зонаси, Олойорти тоғ тизмасининг шимолий ён бағрларидан (Минтеке дарёси водийси, Қирғизистон) то Обиниоу дарёси водийси ва Афғонистоннинг Бадахшон ўлкасига қадар майдонлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети Шимолий Помирнинг перм-триас вулканоген-чўкинди ётқизиқлари, кечки палеозой ва эрта мезозой лито- ва маъдан генезиси, чўкиндиларнинг моддий таркиби ва палеонтологик хусусиятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация иши вазифаларини бажаришда Шимолий Помир худудида седиментологик, палеогеографик, петрографик, литофашиал ва литогенетик усуллар, дала тадқиқот ишлари (петрографик, литофашиал кесмалар ўтиш, батафсил геологик кузатув нуқталарини тавсифлаш) ва кимёвий-аналитик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чўкинди, вулканоген-чўкинди ва инфильтрацион (эпигенетик) келиб чиқиш табиатига эга бўлган фойдали қазилмаларнинг ҳосил бўлиш шароитлари ва тарқалиш қонуниятлари аниқланган;

биринчи марта Қирғизистон Республикаси (Олойорти тизмаси) худудида перм-триас ёшидаги хамтармин свитси ётқизиқларида миснинг стратиморф намоёнларининг фашиал-палеогеографик ҳосил бўлиш шароити ва қидирув омиллари аниқланган;

ўрта-кечки перм ва ўрта-кечки триасга хос бўлган вулқон фаоллигининг юқори даражалиги, чўкинди тўпланишининг кетма-кетлиги ва оралик суърати юқорилиги билан тавсифланган, оддий ва анъанавий қурилмалардан бутунлай фарқланувчи вулканоген-чўкинди жараёнида мис тўпланишининг модели ишлаб чиқилган;

биринчи марта юқори перм ётқизиқларининг (кафтармол свитаси) кўмирдорлик белгилари аниқланган ва триасда (зюрюзамин свитаси) кўмир тўпланиш қонуниятлари асосланган;

кечки перм ёшидаги шакарсев свитасида туз- ва гипс тўпланиш шароитлари аниқланган;

биринчи марта иоллихар туркумидаги туфоген жинсларининг цеолитдорлиги аниқланган ва цеолитнинг табиий сорбентларини саноатда қўллаш истиқболлари баҳоланган;

зюрюзамин свитасининг вулқон жинслари ва туфларида декоратив кварц-хальцедон ҳосилалари ва дарахт бўйича псевдоморфлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Шимолий Помирнинг перм-триас кесмасининг асосий стратиграфик бирликлари аниқланиб, кесманинг перм қисми учун уларнинг турлари ва табақалари қайта тузилган;

Шимолий Помирнинг перм-триас кесмасининг триас қисми учун минтақавий ва маҳаллий стратиграфик шкалада янги бирликлар ажратилган;

Мис, кўмир, цеолит, гипс, тош тузи, каолин гиллари, безак тошлари, темир маъданлари каби фойдали қазилмалар учун минерал ва маъдан ҳосил бўлишининг иккита асосий минерагеник даври аниқланиб, уларни излаш учун истиқболли ҳудудлар ажратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Олинган натижалар ишончлилиги Шимолий Помирнинг барча ҳудудларида перм-триас кесмасининг вулканоген-чўкинди ётқизикларини батафсил ўрганиш жараёнида олинган дала материалларига асосланади, улар 30 км геологик маршрутлар ўтиш, бу жараёнда 850 дан ортиқ намуналар олинди, петрографик шлифларда ўрганиш, терриген жинсларнинг оғир фракцияси, олтингугурт ва органик углерод миқдори бўйича 2000 дан ортиқ спектрал ва 300 га яқин кимёвий ва минерологик таҳлиллар, ноёб ва микроэлементларнинг рентгенофлуоресцент таҳлиллари, гилли ётқизикларнинг рентген – тизимли ва иссиқлик хусусиятларидан фойдаланилган. Таҳлиллар “Тожиқгеология” ишлаб чиқариш бирлашмаси марказий кимё лабораториясида, Россия Фанлар Академиясининг литосфера институтида А.Е.Романко билан биргаликда (таҳлилчилар А.Т.Савичев, С.А.Мамонтов), Тожиқистон ФА геология институти физик-кимёвий тадқиқот усуллари, ВНИГНИ тожиқ бўлими геокимёвий лабораторияларида бажарилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари илмий аҳамияти маҳаллий ва минтақавий стратиграфик схемаларни, стратиграфик бирликларнинг стратотипларини тузиш, стратиграфик бирликлар, шунингдек, литологик-фациал ва структуравий-формацион шароитни таҳлил қилиш ва қуриш, палеогеографик шароитларни тиклаш учун ҳам фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Шимолий Помир ҳудудида вулканизм, маъдан ҳосил бўлиши ва тўпланишининг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги аниқланганлиги, чўкинди (туз, гипс, тошкўмир), вулканоген-чўкинди (мис, цеолитлар, кварц-хальцедон уюшмалари ва дарахт псевдоморфлари) ва эпигенетик (барит-целестин, целестин, флюорит)

фойдали қазилмаларнинг ҳосил бўлиш шароитлари ва тарқалиш қонуниятлари очиқ беришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шимолий Помирнинг кечки палеозой ва эрта мезозой вулканоген-чўкинди ҳосилаларининг лито- ва маъдан генезиси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Шимолий Помирнинг перм ва триас давридаги турли даражадаги стратиграфик бирликларнинг таркиби, чегаралари ва ҳажмлари Тожикистон Республикаси Геология Бош бошқармаси амалиётига жорий қилинган (Тожикистон Республикаси Геология Бош бошқармасининг 23.10.2023 йилдаги 12-981 сонли маълумотномаси). Натижада, геологик хариталаш ишларида аниқланган янги стратиграфик бирликларни қўллаш имкони яратилган;

асосий металлогеник даврларда аниқланган: перм учун - мис, цеолитлар, гипс, тош тузи, барит, целестин, кўмир, триас учун - кўмир, каолин гиллари, декоратив тошлар, темир маъданларининг истиқболли турлари Тожикистон Республикаси Геология Бош бошқармаси фаолиятига жорий қилинган (Тожикистон Республикаси Геология Бош бошқармасининг 23.10.2023 йилдаги 12-981 сонли маълумотномаси). Натижада, ушбу ҳудудда кўрсатилган фойдали қазилмалар учун геологик қидирув ва разведка ишларини самарали режалаштириш имконини берган;

перм-триас ётқизикларининг минерагенияси ва геохимёси Тожикистон Республикаси Геология Бош бошқармаси фаолиятига жорий қилинган (Тожикистон Республикаси Геология Бош бошқармасининг 23.10.2023 йилдаги 12-981 сонли маълумотномаси). Натижада, башоратли металлогеник, қидирув ва разведка ишлари учун биринчи галдаги объектларни аниқлаш жараёнига жалб этиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва республика миқёсидаги илмий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертатсия мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган. Улардан Тожикистон Республикаси Олий аттестация комиссияси ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари учун илмий тадқиқотнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналлар ва турли тўпламларда 17 та мақола, 2 та монография, 5 та тезислар нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 7 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетдан (фойдаланилган адабиётлар рўйхатисиз) иборат бўлиб, 44 та расм ва 4 та жадваллардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон ва Тожикистон республикалари фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи **“Тадқиқот ҳудуди ҳақида умумий маълумотлар ва ўрганилиш тарихи”** бобда Шимолий Помир ҳудуди ва геологик ўрганиш тарихи ҳақида умумий маълумотлар берилган.

Афғон-Помир-Кунлун бурмали тизимига кирувчи Шимолий Помир Помирнинг шимолий чеккаси бўйлаб 350 км дан ортиқ масофага чўзилган. Унинг Хитойдаги давоми Кингтау тизмаси ва ташқи Кунлун тармоқлари, Афғонистонда эса Сурхоб зонаси ҳисобланади. Афғон-Помир-Кунлун тизими (1400-1500 км) гигант тасмаларининг асосий таркибини карбон-перм ва триас ётқизиклари ташкил этади. Ҳудуднинг геологик тузилиши жанубий шарқдан шимолий ғарбга йўналишдаги кетма-кет деярли узлуксиз кесмани ташкил этувчи карбон ва бўр давригача бўлган ётқизикларни ўз ичига олади. Ҳудуднинг шимолий ғарбий қисмида триас ва ундан ёш ҳосилалар неоген моласси билан қопланган. Ҳудуднинг асосий тузилишини палеозой (шимоли-ғарбий, ғарбий ётишлар) ва мезозой (қарама-қарши ётишлар) жинсларининг тик (40-60) ва турли йўналишда ётган ҳосилаларга эга моноклинал структура ташкил этади. Ҳудуднинг аксарият қисмидаги бу таркибий элементлар орасидаги чегара субконтинентдаги ёриқ бўлиб, унга бир қатор, асосан мос ёриқлар қўшилади. Бу ер ёриғига минтекин мажмуасининг йирик, изометрик, интрузив таналари мужассамлашган. Шимолий Помир зонасидаги перм-триас ётқизикларининг тузилиши ва таркиби ҳақида умумий маълумотларни В.И.Попов, Г.А.Дуткевич, А.В.Хабаков ва М.А.Калмикова, А.Д.Миклухо-Маклай, Н.Г.Власов, А.Т.Тарасенко, И.В.Пижнянов ва А.Н.Кафарский, Е.Я.Левен, В.Ю.Дмитриева, С.Ф.Шербович, В.И.Давидов, В.С.Лучников, Х.С.Тажиддинов, В.И.Лаврусевич ва бошқаларнинг асарларидан топиш мумкин. Шимолий Помирнинг перм ва триас ётқизикларини қўшни ҳудудларнинг (Афғонистон, Хитой) бир хил ёшдаги ҳосилалари билан таққослашда биз Н.А.Беляевский, В.А.Фаражев, В.Г.Казмин, Кафарский ва Абдулла асарларидан, шунингдек Афғонистон ҳудудини геологик ўрганиш материалларидан фойдаланилди.

Шимолий Помирнинг юқори палеозой - қуйи мезозой ётқизикларини ўрганиш ўтган асрнинг охирида бошланган ва немис геологи А.Крафт, Я.С.Эделштейн, А.В.Нечаев номлари билан боғланган. Шимолий Помирни тизимли ўрганиш ўтган асрнинг 20-йиллари охири ва 30-йиллари бошларида тожик комплекс экспедицияси (кейинчалик Тожик-Помир экспедицияси деб


ўзгартирилди) иши билан бошланди. Ушбу тадқиқотларнинг асосий натижалари И.Г.Баранов, С.И.Клунников, Г.Л.Юдин ва бошқа баъзи муаллифларнинг асарларида тақдим этилган. ТПЭ фаолиятининг асосий илмий натижалари Д.В.Наливкин, В.А.Николаев, А.Р.Марковский асарларида умумлаштирилди. Асосий хулосалардан бири Помирнинг асосий бурмаланишининг намоён бўлиш вақтида бир-биридан фарқ қиладиган ер қобиғининг гетероген блоклари бўлган бир қатор зоналарга бўлиниши эди. Ўтган асрнинг 30-йилларда СССР Фанлар Академиясининг Тожиқ-Помир экспедицияси фаолияти давомида В.И.Попов, А.В.Хабакков, Г.А.Дуткевич ва М.А.Калмикова, шунингдек Б.А.Борнеман, С.К.Овчинников ва бошқа тадқиқотчилар асосан Дарвознинг перм ётқиқиқлари ва қисман Олойорти тизмасининг стратиграфияси ва корреляциясига асос солдилар. Шимолий Помирни ўрганишнинг навбатдаги босқичи ўтган асрнинг 40-йиллари бошидан 60-йиллар иккинчи ярмигача бўлган даврни қамраб олади. Ўша пайтда бутун ҳудудда кенг кўламли геологик тадқиқотлар олиб борилди. Улуғ Ватан уруши тугаганидан кейин Помир ҳудудида 1:200 000 миқёсли давлат геологик хизмати ва турли тематик ишлар олиб борилди. 1:200 000 шкаласи бўйича давлат геологик тадқиқотлари, 1:50 000 шкаласи бўйича геологик тадқиқотлар давомида Шимолий Помирнинг перм-триас ҳосилалари ўрганилди ва махсус амалий тадқиқотлар ўтказилди. Ўша пайтда амалга оширилган ишларнинг аксарияти биостратиграфик характерга ва ҳосилаларни бўлиниши, чўкиндиларнинг ёшини аниқлаш ва кесмаларни корреляция қилишга қаратилган эди. Перм-триас ётқиқиқларининг минерагениясини ўрганишга ўтган асрнинг 80-йилларидаги тадқиқотлар катта ҳисса кўшди, айниқса перм ҳосилаларининг мисдорлиги, шўрдонлиги ва цеолитдорлиги, ҳамда триаснинг кўмирдорлиги каби ишларни эслатиб ўтиш мумкин. Триас учун бошланган Шимолий Помирнинг перм-триасни литологик ўрганиш ўтган асрнинг 80-йилларида Тожикистон Республикаси Фанлар Академияси Геология институти ходимлари томонидан белгиланган стратиграфик ораликда давом эттирилди. Кўриб чиқиладиган ҳудуд ёки унинг теварак-атрофи билан бевосита боғлиқ бўлган нашрлар орасида муаллифнинг асарларидан ташқари, Б.В.Полянский, Е.Я.Левен, Т.А.Грунт, В.Ю.Дмитриев, В.С.Лучников, В.П.Новиков, В.В.Супричев, П.К.Володин мақолаларини таъкидлаш лозим.

Диссертациянинг **“Шимолий Помирнинг кечки палеозой ва эрта мезозой ётқиқиқларининг стратиграфияси ва ўзаро таққосланиши”** деб номланган иккинчи бобида Шимолий Помирнинг перм ва триас стратиграфик birlikлари тавсифланади ва бу ётқиқиқларнинг ўзаро таққослаш схемаси келтирилади.


Перм системаси. Тетис ҳудудида стратиграфик шкаласининг перм даври ётқиқиқлари орасида ассел ва дорашамдан ташқари, деярли барча босқичлари ажратилган. Стратиграфик жиҳатдан пастдан юқорига: сакмар, яхташ, болор, куберганда, мурғоб, мидий ва жулфан

қатламлари мавжуд. Уларнинг аксарияти худди шу номдаги горизонтларга тўлиқ мос келади (яхташ, болор, куберганда, мурғоб). Сакмар қатлами ҳориж горизонтига тўғри келади. Мидий ва жулфан қатламларининг ётқизиқлари Помир горизонти таркибига киради.

Перм тизимининг пастки ва ўрта бўлимлари орасидаги чегара куберганда ва мурғоб қатламлари ўртасида, Чапсой худудининг пастки чегараси бўйлаб ўрта ва юқори яруслар ўртасидан (мидий яруси) ўтади. Яруслар ва горизонтларнинг чегаралари, аксарият ҳолларда, литостратиграфик бирликлар чегараларига тўғри келади. Перм ётқизиқларининг умумий қалинлиги 4100 м. Перм ётқизиқлари мос равишда карбон устида ётади (1-расм).



1-расм. Карбон-перм даврининг чегара ётқизиқлари (Чаримдара дарёси). 1-псаммит жинслари, 2 – алевритли жинслар, 3 – гилли жинслар, 4 – оҳактошлар, 5 – кремнийли жинслар, 6-пирокластик материаллар таркиби (фоизда). Бошқа белгилар учун 3-расмга қаранг



3-расм. Литологик устунлар учун белгилар. 1-9 – синдирилган жинслар: 1 – конгломератлар, 2 – шағаллар: а – вулқон жинслари, б – оҳақтошлар, с – бошқа жинслар, 3 – шағал тошлар, 4–қўпол ва шағалли қумтошлар, 5 – майда ва ўрта донали қумтошлар, 6 – шағал аралашмалари бўлган қумтошлар, 7 – қум-гилли тошлари, 8 – лой тошлари, 9 – гил тошлари; 10 – лой тошлари, 11 – кремнийли жинслар, 12 – кўмирлар (қатламлар ва линзалар), 13 – кўмирли жинслар, 14 – гипс; 15-23 – карбонат жинслари: 15 – оҳақтошлар, 16 – оҳақтошли брекчиялар ва конглобрекчиялар, 17 – қумли оҳақтошлар, 18 – гилли оҳақтошлар, 19 – доломитли оҳақтошлар ва доломитлар, 20 – органиген-чақиқ оҳақтошлар, 21 – органиген-детритли оҳақтошлар, 22 – оолитли оҳақтошлар, 23 – биогерм (риф) оҳақтошлари; 24 – нураш қобиғининг ётқизиқлари; 25 – 28-вулканоген (шу жумладан пирокластик) жинслар, ҳамда пирокластик материалнинг аралашмаси: 25 – базальт, 26 – андезибазальтлар, 27 – андезитлар, 28 – дацитлар; 29-30 – иккиламчи ўзгаришлар: 29 – кальцитланиш, 30 – гилланиш; 31-34 – минералашув: 31 – барит-целестинли, 32 – темир маъданли, 33 – титанли, 34 – мисли; 35 – узилиш юзалари; 36-53 – органиген қолдиқлар: 36 – фузулинидлар, 37 – кичик фораминифералар, 38 – конодонтлар, 39 – мшанкалар, 40 – губкалар, 41 – денгиз кирпичлари, 42 – брахиоподалар, 43 – пелециподлар, 44 – ругозалар, 45 – табулатлар, 46 – криноидлар, 47 – гастроподалар, 48 – наутилоидлар, 49 – аммоноидлар, 50 – гидроид-сув ўтлари ҳосилалари (шу жумладан, онколитлар), 51 – флора излари, 52 – кўмирлашган ўсимлик қолдиқлари, 53 – ҳаётий фаолият излари; 54 – кесманинг ёпиқ интерваллари

Ўрта бўлим. У иоллихара туркумининг юқори қисмидаги ётқизиқларни (валваляк ва хамтармин свиталари) бирлаштиради. У деярли вулқон-терриген жинслардан ташкил топган бўлиб, уларда турли хил донали қумтошлар устунлик қилади ва полимиктли конгломератлар қатламлари (ётқизиқлар умумий ҳажмининг 5%) пайдо бўлади. Псаммит жинсларининг ўзига хос хусусияти цементнинг йўқлиги, пироморф қайнаши ва чақиқ доналарни пластик (конформал) эзилиш таъсирининг мавжудлигидир. Ётқизиқлар асосан континентал шароитда ҳосил бўлган.

Юқори бўлим. Перм тизимининг юқори қисми помир горизонтига мос келадиган чапсой туркуми билан ифодаланади. Чапсой туркумининг шаклланиши субэрал (аллювиал-пролювиал бирикмалар) ва субаквал (кўрфазлар ва шўрланган чўкиндилар) шароитида ҳосил бўлган турли хил чўкинди жинслар мажмуасини ўз ичига олади: гил-карбонат, гипс-шўр ва кўмир оралиқ қатламлари билан детритал-гил. Сувларнинг нормал шўрланиши бўлган ҳавзаларнинг денгиз чўкиндиларига фақат қатламнинг

юқори қисмлари – кафтармол свитасининг карбонат том жинслари ва кофирбачин оҳақтошлари киради. Юқори перм ётқизикларининг умумий қалинлиги 250-300 м .

Триас тизими. Дарвоз-Олойорти зонасининг триас кесмасида (Васмикух блокидан ташқари) ўрта-юқори (қизилсув свитаси) ва юқори (зюрюзамин свитаси) бўлимларининг ётқизиклари ажралиб туради. Триас ётқизикларининг умумий қалинлиги 1374 м. Триас кесими умуман олганда вулқон-чақиқ жинслар мажмуаси билан ифодаланади. Триас ётқизикларининг қуйи чегараси тектоник бўлиб, улар бўйлаб юқори перм жинслари билан алоқа қилади. Юқори чегара вулканик жинсларнинг нураш қобиғи (журдара свитаси) бўйлаб ўтади, унинг устида қуйи-ўрта юра гринг свитаси номос ётади.

Ўрта-юқори бўлимлар. Триас тизимининг ўрта ва юқори бўлимлари қизилсув свитаси билан ифодаланади. Свитанинг чегараси пастда ётган перм ва юқорида ётган юқори триас ётқизиклари билан тектоникдир. Свитанинг умумий қалинлиги 613 м. Қизилсув свитаси бутунлай туффит туркумидаги вулканоген-чўкинди жинслардан (пара ва орто): кумтошлар, шағалтошлар, конгломератлар, қатлам чегаралари аста-секин ва турли микдордаги ўрта ва асос таркибли аралаш пирокластиклардан ташкил топган.

Юқори бўлим. Триас тизимининг юқори бўлими флора билан тасдиқланган зюрюзамин свитаси билан ифодаланади. Свитанинг қуйи чегараси кесимда биринчи учрайдиган вулқон жинслари (лавалар) бўйлаб, баъзан ўзига хос туф кумтошлари, сарғиш-кулранг, ўсимлик дунёси излари бўйича аниқланади. Свитанинг юқори чегараси андезибазальт лаваларининг нураш қобиғининг тепаси бўйлаб ўтказилади. Зюрюзамин свитаси номос қуйи-ўрта юра даврининг гринг свитаси билан қоплаган. Свита ётқизикларининг умумий қалинлиги 761 м. Вулканоген ҳосилалар билан биргаликда Дарвоз-Олойорти зонасининг кесманинг катта қисмида кўмирдорлик белгилари кузатилади (2-расм). Аммо энг кўмирдор Миенади ҳудуди бўлиб, унинг ҳудудида триас кўмирларининг ягона потенциал саноат кони жойлашган.

Диссертациянинг **“Шимолий Помирнинг кечки палеозой ва эрта мезозой даврининг чўкинди тўпланиши ва вулканизми, минерагенияси, маъдандорлиги ва босқичлари”** деб номланган учинчи бобида Шимолий Помирнинг кечки палеозой – эрта мезозой даври ётқизикларнинг минерагенияси ва геохимёвий хусусиятлари, чўкинди тўпланиш босқичлари, шу давр вулканизм характери ҳақида маълумот берилган.

Шимолий Помирнинг перм ва триас ётқизиклари геохимёвий ва минерагеник хусусиятлари билан фарқ қилади ва чўкинди ҳамда вулканоген-чўкинди жинсларнинг йиғиндисидан ташкил топган. Бундай ихтисослашув бир томондан эндоген омиллар (биринчи навбатда ўзига хос андезибазальт вулканизми), бошқа томондан - экзоген сабаблар (кимёвий нураш, инфильтрация жараёнлари ва бошқалар) билан боғлиқ.

Ўрганилаётган ҳосилаларнинг геохимёвий белгиларини таҳлил қилиш, қисмларни ажратиш ва ўзаро боғлаш, маҳаллий кларкларни аниқлаш,

шунингдек вулканоген-чўкинди жараёнидаги турли элементларнинг ҳатти-ҳаракатларини ўрганиш мақсадида амалга оширилди.

Куйи перм ётқизиклари геохимёвий хусусиятлари бўйича ўрта-юқори пермга жуда яқин. Асосий фарқлар куйидагилар:

- куйи перм жинслари титаннинг ўртача миқдорининг камлиги билан ажралиб туради; бу, эҳтимол, карбонат ётқизикларида бу элементнинг оз миқдори билан боғлиқ, бу ерда титан вулканоген-чақиқ ҳосилаларга караганда деярли бир карра камдир. Бундан ташқари, куйи перм жинслари мис, рух ва фосфор миқдорининг юқорилиги билан ажралиб туради;

- юқори перм ётқизикларида барийнинг миқдори юқорилиги кузатилади.

Триас ётқизиклари титан, хром, молибден, ванадийнинг ўртача миқдорининг сезиларли юқорилиги (перм билан солиштирганда) ва марганец, рух, стронций ва литий миқдорининг камайиши билан тавсифланади. Триас ётқизикларидаги бир қатор элементларнинг кўпайиши зюрюзамин свитасининг вулканоген ҳосилаларига яқинлаштиради, у ерда ($n \cdot 10^{-3}$ оғирлик фоизда): Ni = 5; Ti = 470; V = 10,2; Cr = 18,5; P = 55,0 аниқланган.

Шимолий Помирнинг триас ётқизикларининг илгари қайд этилган минерагеник хусусиятларидан кўмирдор ҳосилаларни, шунингдек, ҳосилдор нураш қобиғини ажратиш мумкин. Кўмирдор бўйича зюрюзамин свитасининг ўрта ва юқори қисмлари қизиқиш уйғотади. Иохнақдар дарёси водийсида камида иккита кўмирли қатлам мавжуд бўлиб, улар кўрсаткичлари бўйича Мионададагидан сезиларли даражада устундир. Бу ҳудудда кўмирдор қатламларни ўзаро таққослаш шуни кўрсатадики, катта кўмир қатламлари, эҳтимол, линзасимон шаклга эга ва улар узок масофаларга (бир неча юз метрдан кўп бўлмаган) чўзилмаган. Бу маълумотлар, шунингдек, зонанинг бутун ҳудудида углерод билан тўйинган жинсларнинг локал ривожланиши, эҳтимол, триас кўмирларининг асосан кўл-аллювиал (лимник) келиб чиқишини кўрсатади.

Шимолий Помир перм-триас ётқизикларининг тузилиши ва таркибини таҳлил қилиш ва фацнал-палеогеографик, шунингдек уларнинг ҳосил бўлишининг геодинамик шароитлари ҳақидаги маълумотлар шуни кўрсатадики, ритмик равишда ҳосил бўлган перм ётқизиклар мажмуаси тўлиқдир ва чўкинди тўпланишининг тугалланган регрессив-трансгрессив босқичларига жавоб беради. Таянч ҳудуднинг юқори перм мажмуасининг ўзига хос хусусияти, унинг ассиметриклиги ҳисобланади, яъни ётқизик регрессив ва трансгрессив фазаларнинг қалинликларини ўлчаб бўлмаслигидан келиб чиқади. Ушбу мажмуанинг регрессив қисми, назаримизда, перм даври учун нисбий чўкма тезлигининг энг юқори қийматлари билан тавсифланади: кубергандин даврида - максимал, мурғобдаги - минимал. Шимолий Помир кесмасининг триас қисми учун тўлиқ таҳлилни ўтказиш қийинроқ. Бу ёшдаги вулканоген ҳосилаларнинг моддий ва генетик хусусиятларининг ўзгаришининг йўналишли табиати аниқ ва қизилсувдан зюрюзамин свитасига ўтиш даврида пирокластик-чўкинди ва вулқон жинслар (вулқон-терриген паралел сиқилиши билан) улушининг кескин ўсишига олиб келади. "Вулканогенлик" нинг ўсиши билан бир вақтда

ётқизикларнинг углерод билан тўйинганлигининг ошиши кузатилади, бу ўз-ўзидан баъзи худудлар фаол вулканизмнинг жуда ажойиб хусусияти ҳисобланади. Бутун мажмуанинг шаклланиши фақат континентал шароитда содир бўлган ва жуда тик вулкон худудининг ландшафтлари билан боғлиқ. Вулканоген жинсларнинг петрографик ва кимёвий тадқиқотлари маълумотларидан фойдаланиб, перм ҳосилаларининг моддий таркиби ва петрокимёвий хусусиятларининг эволюциясини кузатиш мумкин. Перм тоғ жинс уюшмаларининг асосий петрокимёвий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1) нормал ўрта ишқорли ($A=4-5\%$, баъзан ўрта ишқорли томон $6,6-7,1\%$ гача);

2) калий-натрийли серияга мансуб ($B=2-4$) ўрта калийли маҳсулотларнинг устунлиги билан;

3) нормал ёки паст глиноземли ($al'=1,5$ дан то $2,2-2,8$; $Ka=0,4-0,5$ дан то $0,6$ гача);

4) темирлилиги ўртача, паст ($K_f=60-70$; темирлилик= $40-50$) ва ўрта ишқорли хилларида фемиклик биров паст ($0,15 - 0,16$).

Триасда, одатда, кесма бўйлаб синхрон вулкон материалларининг таркибида сезиларли ўзгаришлар йўқ. Қизилсув ва зюрюзамин свиталарида ўрта-асосли магмаларнинг ҳосилалари сифатида барча жойда устунлик қилади: андезибазальтлар, базальтлар ва андезитлар. Триас вулкон жинслари одатда қуйидагилар билан характерланади:

1. Аниқ ифодаланган натрийли қиялик билан ўрта ишқорли қаторга мойил (A то $6,1$ гача; B ўртача $5-6$, трахиандезибазальтлар ва субвулконларда то $15 - 22$ гача);

2. Юқори глиноземли (al' $3,6$ гача; умумий глиноземлик андезитлар ва андезибазальтларда то $22,5$ гача);

3. Нисбатан юқори темирлилик (темирлилик $70-85$ гача) ва фемиклик, айниқса, асос тоғ жинсларида аниқ намоён бўлади ($f' = 15 - 20$; $F = 0,20 - 0,30$).

Юқорида санаб ўтилган хусусиятларга қўшимча равишда, ўрта жинслар оралиғидаги зюрюзамин свитаси ва ўрта жинслар оралиғидаги аллохтон вулкон жинслари шағал тоши (галька) вулканитларининг петрокимёвий яқинлигини, шунингдек, бу свита субвулканитлари ва минтекин мажмуаси плутоник ҳосилаларининг ўхшашлигини таъкидлаш керак. Ушбу маълумотлар триас интрузиялари ва вулкон жинсларининг комагмат табиатининг далили сифатида қаралиши мумкин. Умуман олганда, умумий геологик ва карбонли вулканизм ҳақида маълумотлар, Шимолий Помирнинг перм-триас учун петрокимёвий қурилмалари, шубҳасиз, қуйидаги палеогеодинамик схемага мос келади: карбон-субокеан рифтоген вулканизм, перм-асосан оролэйи энсиалик, триас-қитъанинг фаол четига ўтиш шароитининг умумий тенденциясига эга бўлган оролэйи ва қобиқ ости магмаларининг чиқиши билан бирга қисқа муддатли кенгайиш (чўзилиш) қолдиқлари (Цветков бўйича оролэйиорти спрединги) билан характерланади.

Диссертациянинг “Шимолий Помирнинг кечки палеозой - эрта мезозой мисдор мажмуаси” деб номланган тўртинчи бобида перм иоллихар туркумига кирувчи мисдор мажмуа ажратилади ва мис минераллашуви Шимолий Помирнинг қўйи перм ва ўрта-юқори триас конларида ҳам аниқланган.

Иоллихара туркумида миснинг умумий юқори геокимёвий фони билан ажралиб туради, бу ушбу минтақанинг перм ётқизиклари орасида ажралиб туради. Туркумнинг ўзида ушбу элементнинг ўртача миқдори аста-секин кесманинг қўйи қисмидан юқорига кўтарилиб боради, куляхин ва дарайтангда 0,0045%, валваляк свитасида (0,009%) ва хамтарма свитасида максимал (0,062%) га етади (кесманинг алоҳида қисмларида 0,012 дан 0,26% гача). Энг узун мисдор горизонтлар пастки кенжа свитанинг ўрта қисмида ва юқорисида жойлашган. Маъдандор жинслар ҳар хил: кулранг рангли (дастлаб қизил рангли, қисман ёки тўлиқ хлорит-гилли агрегатлари билан алмашади), камроқ қизил рангли (гематитни ўз ичига олган) вулкан-терриген кумтошлар, псаммит ва алеврит туффитлари, андезит ва риодацит таркибидаги туфлар, полимиктли кумтошлар ва алевролитлар, қора гил-карбонат жинслари ва аргиллитлар. Миснинг энг бой концентрацияси, одатда, гил (одатда иккиламчи, аргилланган) ва оҳакли-гиллар билан чақиқ жинсларнинг ингичка ва тез-тез қатламланадиган жойларида, кўпинча кўмирлашган ўсимлик детритининг жуда кўп тўпланган жойларда кузатилади. Маъдан ораликларининг ўзига хос хусусияти, кўшимча равишда, ётқизикларнинг ранг-баранглиги, майда кўп компонентли ритмларнинг мавжудлиги ва кўп сонли формационро ювилиш, қатламларни қисқа тугайдиган ва линзасимон шаклланишига олиб келади. Маъдан минераллари асосан оз миқдордаги борнит билан халькозиндан иборат. Деярли ҳамма жойда иккиламчи мис минераллари ҳам ривожланган: малахит, брохантит, азурит, хризоколла вақти-вақти билан учрайди. Геокимёвий нуқтаи назардан, хамтарма свитасининг мисдор горизонтларида кумуш миқдорининг доимий равишда кўпайиши қизиқиш уйғотади (барча горизонтлар учун ўртача 0,0004 %; алоҳида горизонтлар учун битта намунадаги кумуш миқдори баъзан ўнлаб ва ҳатто биринчи юзлаб г/т етади). Маъдандор ётқизиклар қамровчи жинслар орасида ҳам ажратилади, ундан ташқари ванадий (ўртача – 0,0095 %), молибден (ўртача - 0,00017), кўрғошин (0,0024%), рух (0,007%), барий (0,067%) миқдорининг кўпайиши ва висмут (0,00001%) миқдори камайиши билан ажралиб туради. Генетик жиҳатдан хамтарма свитасининг мисдор жинслари қитъадан (вулқон куруқлиги) денгиз ҳавзасига ўтишнинг кенг майдонли ётқизиклари билан боғлиқ. Жанубий-Ғарбий Дарвознинг перм ётқизикларида мис маъданлашуви фақат иоллихар туркуми билан чекланмайди. Ўтган асрнинг 80-йилларда қўйи перм ҳосилаларининг мисдор табиатининг белгилари (гундара свитаси), шунингдек чапсой гуруҳи ичида (кафтармол свитаси) ҳам аниқланган. Жанубий-Ғарбий Дарвоз худудидаги триас мисдорлиги ҳақидаги маълумотлар ҳозирча Сиякуҳ тоғи (Кўҳифруш тизмаси) яқинидаги қизилсув свитасининг қўйи кенжа свитаси таркибидаги халькозин минераллашувининг биргина мисоли билан чекланган. Маъдан таналари вулқон-терриген кумтошлар ва конгломератлар триас ётқизиклари пойдеворидан 40-60 м баландликда 2-3та ярус бўлиб ётади. Минераллашув цементда халькозиннинг (камроқ даражада – борнит) бир хил тарқалган холдор ажралмаларидан иборат ва бу жинслар ҳажмининг 2-3% ини ташкил қилади.

Тўпланган маълумотларни умумлаштириб, қуйидаги хулосани қилиш мумкин, кўриб чиқиладиган перм-триас мажмуасининг энг ҳосилдор сатҳлари иоллихар туркумининг хамтарма свитаси (ва, эҳтимол, валваляк свитасининг юқори қисмлари), шунингдек, қизилсув свитасининг пойдевори ҳисобланади. Ушбу свиталарнинг минераллашуви аниқ стратиформ характерга ва бир-бирига ўхшаш минерал таркибга эга. Бундан ташқари, маъдан қамровчи ҳосилалар ҳар қандай ҳолатда ҳам вулканоген-чўкинди жинслардан иборат, улар узок муддатли фаол вулканизмнинг ривожланган ҳудуди яқинида континентал ва лагуна-делта чўкинди тўпланиш шароитида ҳосил бўлган.

Диссертациянинг **“Шимолий Помирнинг кечки палеозой - эрта мезозой ётқизикларида қатламланган мис маъданлашувининг жойлашув қонуниятлари”** деб номланган бешинчи бобида мис минераллашувининг кўтарилиш ҳудудлари ва максимал чўкинди тўпланиш билан, шунингдек, унинг маҳсулотларининг минералогик, петрографик ва петрохимёвий хусусиятларидан иборат вулканизм табиати билан боғлиқлиги асосланади.

Перм-триас мажмуасининг мисдорлиги ҳақидаги маълумотлар шуни кўрсатадики, энг самарали стратиграфик оралик иоллихар туркумининг юқори қисми бўлиб, унга валваляк свитасининг базальт қатламлари ва Жанубий-Ғарбий Дарвоздаги бутун хамтарма свитаси киради. Шимолий Помирда иоллихар даврида қитъанинг фаоллашган чеккаси бўйлаб интенсив тектоник ҳаракатлар (қитъа плитаси) давом этади. Натижада вулқон кўтарилиши вақт ўтиши билан Дарвоз-Олойорти геосинклинал зонасининг ташқи қисмини қамраб олади. Ғарбдан шарққа, Жанубий Ғарбий Дарвоз ҳудудидан зонанинг Олойорти қисми томон йўналишда изчил миграция ва кўтарилиш интенсивлигининг паралел ўсиши кузатилади. Охири ҳолат фазовий жиҳатдан дарёнинг ўнг қирғоғига бирлаштирилган ҳудудларда Сауксой (олд қисми) узок муддат яшайдиган кўндаланг кўтарилиш (Сауксой) ҳосил бўлишига олиб келади, унинг атрофида емирилиш жараёнлари чўкинди тўпланишга нисбатан аниқ устунлик қилади. Зонанинг бошқа қисмларида оқиб келувчи вулқон-чақик материалларнинг кўплиги асосан бурилиш-эгилмалар билан қопланади. Шундай қилиб, бундай шароитда Дарвоз маъданли ҳудудининг ўрни аниқ кўриниб туради. У палеокўтарилиш ён бағирларига яқинроқ бўлган чўкиш ҳудуди (Сурхоб зонаси) ва кўтарилиш ҳудуди (Сауксой) ўртасида оралик ўринни эгаллайди. Сауксой кўтарилмаси билан аниқланган маъдан ҳудудининг шартли марказлари орасидаги тахминий масофа 150-200 км ни ташкил қилади. Иоллихар давридаги вулканизмнинг асосий ва энг ажойиб хусусиятлари сифатида, маҳсулотларининг минералогик-петрографик ва петрохимёвий белгиларида (кўпинча чақик) ўз аксини топган, қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1. Катта миқдордаги пирокластик материалнинг шаклланишига ҳисса қўшган юқори портловчи фаоллик, бу билан барча вулқон-чўкинди ётқизикларга у ёки бу даражада "тўйинган". Вулканизмнинг портловчи табиати туфайли, назаримизда, вулқон-чўкинди маъдан ҳосил бўлишининг асосий шarti яратилган.

2. Базальтлардан риолитларгача деярли узлуксиз қаторни ўз ичига олган вулқон маҳсулотларининг турли таркиблиги. Ушбу қаторда трахиндезибазальтлар, андезитлар ва трахиндезитлар, паст ишқорли риодацитлар ва риолитлар кенг тарқалган. Андезибазальтлар ва дацитлар жуда кам учрайди, базальтлар эса ўта

камёб. Бир қатор хусусиятларга асосланиб, вулқон жинсларининг бу уюшмалари дискрет (контраст турга) тегишлидир. Вулқон (асосан пирокластик) маҳсулотларнинг кесма бўйлаб тарқалишида иоллихара туркумининг юқори қисмларида деярли нордон таркибли ҳосилаларнинг улушининг маълум даражада ортиши ва бир вақтнинг ўзида андезибазальт ва трахиандезибазальт таркибидаги пирокластик ҳосилаларнинг тўлиқ йўқолиши билан заиф гомодром кетма-кетлик аниқланади.

3. Темирли оливин ва гиперстен бўйича магнетит-гематит псевдоморфларининг ҳамма жойда мавжудлиги. Бошқа рангли минераллар – клинопироксен, роговая обманка, биотит – камдан-кам равишда пайдо бўлади ва одатда ўзгаришларга учрамайди.

4. Оқиб чиққан ўрта ва нордон жинсларнинг таркибида кластоларлар устунлик қилади, пирокластолитлар орасида эса ксенотуфлар энг кенг тарқалган.

5. Турли хил ювенил моддалар орасида мантия табиатига эга маҳсулотлар (гарцбургит-лерцолит уюшмалари) учрайди.

6. Камдан-кам, истиснолардан ташқари, вулқон маҳсулотлари ва улар билан уюшмада учрайдиган плутоник жинсларнинг шағал тош (галька)ларининг юқори глиноземлиги характерлидир. Ўз навбатида, алюминий кўпинча ортиқча бўлиб, юқори глиноземли минералларни ҳосил қилади: муллит, корунд, герцинит (?) (вулқон жинсларида) ва кордиерит (плутоник жинсларда).

7. Вулканоген ҳосилаларнинг умумий ишқорлиги жуда ўзгарувчан. Ушбу кўрсаткичнинг қийматлари оралиқ ўзгарувчанлиги ўрта жинслар гуруҳида энг катта (нормал ва ўрта ишқорлидан то ишқорлигача) ҳисобланади. Нордон жинслари гуруҳида кремнийнинг миқдори ошгани сари умумий ишқорлилик камаяди (паст ишқорли риодацитлар ва риолитлар). Барча вулканоген маҳсулотларнинг натрий устунлигидаги ишқорлик аниқ намоён бўлади.

8. Вулқон жинсларнинг катта қисмининг фемиклиги нормалдан то пастгача ўзгаради. Иккинчиси базальт ва паст ишқорли риолитларга хосдир. Плутоник муқобилларнинг фемиклиги, одатда паст бўлади.

